



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРНИНГ БҮЙРУГИ

Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги  
намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги  
ПФ-5538-сон “Халқ таълим министри бошқариш тизимини такомиллаштириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ  
буюраман:

1. Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги  
намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир



Ш.Шерматов

Тошкент ш.,  
2018 йил “26” декабрь  
16-МХ -сон

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг  
2018 йил 26 декабрдаги  
16-мҳ-сон буйргуга  
ИЛОВА

## Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгашининг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) мақсади, вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат умумий ўрта таълим муассасаларига (бундан буён матнда таълим муассасаси деб юритилади) татбиқ этилади.

Мазкур Низом нодавлат умумтаълим ташкилотлари учун тавсиявий хусусиятга эга.

2. Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказilmайди.

3. Кенгашнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:  
таълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан таълим муассасаси раҳбарини сайлаш;

таълим муассасасининг мақсадлари ва вазифаларини ҳамда уларга эришиш режаларини тасдиқлаш;

таълим муассасасида амалга оширилиши белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан назорат олиб бориш.

4. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, таълим муассасасининг Устави ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

## **2-боб. Кенгашнинг вазифалари**

5. Кенгашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тавсия этилган номзодлардан таълим муассасаси раҳбарини сайлаш, шунингдек, белгиланган тартибда уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳакида таклифлар киритиш;

таълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

таълим муассасаси раҳбарининг муассаса фаолиятини таомиллаштириш, молиявий-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисботларини вақти-вақти билан тинглаш;

таълим муассасаси раҳбарининг тақдимномаси бўйича йиллик молиявий режаларни, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нархининг микдорларини ва муассаса мулкидан фойдаланганлик учун изара ҳаки микдорини, шу жумладан аукциондаги бошланғич нархни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқувчилар учун яратилган шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

ўқувчилар ва улар ота-оналарининг мурожаатларини кўриб чиқиш, таълим муассасасининг педагог ва раҳбар ходимлари фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровларни ўтказиш;

таълим муассасасининг фаолиятини ташкил этишга тааллукли бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.

## **3-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва таркибини шакллантириш**

6. Таълим жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш, жамоатчилик таъсирини кучайтириш, ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини кўллаб-куватлаш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида Кенгаш ташкил этилади.

7. Кенгаш 7 кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда тузилади. Бунда, Кенгаш таркибига ўқувчиларнинг ота-оналари орасидан камида 2 нафар, собиқ битирувчилар орасидан 2 нафар ва нафақадаги собиқ педагоглар орасидан 1 нафар ҳамда ҳомийлар орасидан 2 нафар аъзо киритилади.

Кенгаш аъзоларининг сони чекланмайди.

8. Кенгаш аъзолари тегишли таълим муассасаси умумий йигилишида ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан очик овоз бериш орқали сайланади.

Кенгашнинг биринчи йигилишида иштирок этаётган аъзолар умумий сонининг оддий кўпчилик очик овоз бериши орқали Кенгаш раиси ва котиби сайланади. Бунда, Кенгаш раиси ва котиби Кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

9. Таълим муассасаси директори ёки унинг ўринбосарлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари Кенгаш аъзолари сифатида сайланишига йўл қўйилмайди.

10. Кенгаш таркиби З йил муддатга сайланади. Бунда Кенгаш таркиби ҳар ўкув йили бошида кўриб чиқилиши мумкин.

11. Кенгаш аъзоси этиб сайланган ота-оналарнинг фарзандлари бошка таълим муассасасига ўтказилганда ёки битириб кетганда, Кенгашнинг ушбу аъзоси Кенгаш аъзолари қаторидан чиқарилади ва унинг ўрнига ота-оналар орасидан бошка аъзо сайланади.

Кенгаш аъзоси кенгашнинг йигилишларида сурункали 3 марта узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда, у Кенгаш аъзолари таркибидан чиқарилади.

#### **4-боб. Кенгаш йигилишларини ташкил қилиш ва ўтказиш**

12. Кенгашнинг биринчи йигилиши туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тегишли таълим муассасасида ташкил этилади.

Бевосита Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки худудий бошқармаларига бўйсунадиган таълим муассасаларида Кенгашнинг биринчи йигилиши тегишлича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки унинг худудий бошқармалари томонидан тегишли таълим муассасасида ташкил этилади.

13. Кенгаш ҳар чоракда камида бир марта йигилади. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари йигилишлар ўтказилиши мумкин.

14. Кенгаш йигилиши баённома билан расмийлаштирилади.

15. Кенгаш йигилишида унинг умумий аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда Кенгаш қарор қабул қилиши мумкин.

16. Кенгаш ўз фаолияти дахлизлилик, ошкоралик, шаффофлилик, адолатлилик тамойилларига мувофиқ олиб боради.

17. Кенгаш қарорлари аъзоларнинг teng хуқуқлилиги асосида очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ҳар бир Кенгаш аъзоси битта овоз хуқуқига эга. Овозлар teng бўлган ҳолларда Кенгаш раисининг овози ҳал килувчи ҳисобланади.

18. Кенгаш йигилишларига Кенгаш раиси раислик қиласи.

19. Кенгаш раиси ўз ваколатини вақтингчалик бажариш имконияти бўлмаган ҳолларда (хизмат сафари, таътил ва касаллик даврида), унинг вазифасини бажариш Кенгаш аъзоларидан бирига вақтингча юклатилади.

20. Кенгаш йигилишлари мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши ҳамда хужжатларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиши учун Кенгаш раиси масъул ҳисобланади.

21. Кенгаш йигилиши ўтказилишидан камида 10 кун олдин йигилиш ўтказиладиган кун, вақти, жойи ва муҳокама этиладиган масалалар ҳақида кенгаш аъзолари хабардор килиниши лозим. Кенгаш аъзоларини хабардор килиш учун Кенгаш раиси масъул ҳисобланади.

22. Таълим муассасаси раҳбари Кенгаш ишини ташкил қилиш (хужжатларни расмийлаштириш ва сақлаш учун зарур бўлган хона, таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ва канцелярия жиҳозлари билан таъминлаш) учун масъул ҳисобланади.

23. Кенгаш йигилишлари ўтказилганлиги ҳақида баённомалар йигилиш ўтказилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай тегишлича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг худудий бошқармаларига тақдим этилиши лозим.

24. Кенгаш фаолиятига туман (шаҳар) халқ таълими бўлими аралашмайди ва унга ҳисобдор эмас.

25. Кенгашнинг фаолияти бўйича маълумотларни ҳар чоракда таълим муассасасининг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ёки таълим-муассасанинг барча кўриши мумкин бўлган жойига жойлаштириш тавсия этилади.

#### **5-боб. Кенгашнинг ҳукуқ ва ваколатлари**

26. Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қўйидаги ҳукуқларга эга:

таълим муассасасининг тегишли давридаги фаолияти бўйича таълим муассасаси директоридан маълумотларни сўраш ва олиш;

таълим муассасасининг молиявий ҳисботлари билан танишиш;

ҳомийлик ва ҳайрия маблағларининг кирим қилиниши ҳамда сарфланиши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш;

таълим муассасаси педагогларининг шаъни, қадр-қиммати, обрўсини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар киритиш.

27. Кенгаш қўйидаги ваколатларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг худудий бошқармалари томонидан таълим муассасаси директори лавозимига тавсия этилган номзодларнинг меҳнат фаолияти, хулқ-атвори, тажрибаси, ташаббускорлиги ҳамда

жамоадаги обрўсини ўрганади ва тавсия этилган номзодлар орасидан энг муносиб номзодни очик овоз бериш йўли билан директор лавозимига сайлайди;

Кенгаш аъзолари томонидан номзодга қарши овоз берилган тақдирда, уни директорлик лавозимига тайинлашни рад этиш ҳақида номзодни тавсия этган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки унинг худудий бошқармаларига маълум қиласди;

таълим муассасаси директори ва директор ўринbosарларининг бошқарув фаолияти, таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этилиши ҳамда ўкувчилар, уларнинг ота-оналаридан ноқонуний пул йигимлари ундирилмаслиги бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатади;

таълим муассасасининг умумий йигилишларида қатнашади, ўкувчилар ва ота-оналарнинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

таълим муассасасида ижтимоий-маънавий мухитнинг бузилиши, таълим сифатининг пасайиб кетиши, тизимли муаммоларнинг келиб чиқиши, педагоглар билан маъмурият ўртасида ёки ота-оналар билан маъмурият ўртасида низоли ҳолатлар келиб чиқсан тақдирда, таълим муассасаси директорини лавозимидан озод этиш бўйича худудий бошқармаларга таклиф киритади.

#### **6-боб. Якуний қоидалар**

28. Кенгаш аъзоларига мазкур Низомда белгиланмаган ваколатларига эга бўлишларига, таълим муассасаси директорининг қонунда белгиланган ваколатларига аралашибига йўл қўйилмайди.

29. Кенгаш ўз ваколати доирасига кирмайдиган ишларга аралашса ёки ўз вазифаларини тўлиқ таъминлай олмаса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки унинг худудий бошқармалари томонидан тарқатилиб юборилади. Бунда, Кенгашнинг янги таркиби мазкур Низомнинг 3-бобида назарда тутилган талаблар асосида қайта шакллантирилади.

30. Кенгашнинг фаолиятига таълим муассасаси раҳбари, худудий бошқармалар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар аралашувига йўл қўйилмайди.

31. Таълим муассасасида ўкувчилар ва уларнинг ота-оналаридан турли хил сабаблар билан Кенгаш аъзолари, таълим муассасаси раҳбари ва бошқа ходимлари томонидан пул маблағларини йигиш қатъяян тақиқланади.

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

33. Кенгаш раиси, котиби ва аъзолари жамоатчилик асосида амалга оширадиган Кенгашдаги фаолияти юзасидан интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

34. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири

2018 йил “26” декабр



Ш. Кудбиев

Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгashi раиси

2018 йил “26” декабр



К. Рафиков